

**АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН СПОРТИ

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН СПОРТИ

Методик-библиографик қўлланма

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
нашриёти

Тошкент-2006

78.342

М 90

Илмий методика бўлими томонидан тайёрланди

<i>Тузувчи</i>	<i>Ф.Рўзиева</i>
<i>Муҳаррир</i>	<i>Ҳ.Маматраимова</i>
<i>Масъул муҳаррир</i>	<i>О.Қиличбоев</i>
<i>Матн терувчи</i>	<i>З.Жалилова</i>

Мустақил Ўзбекистон спорти: Метод.-библиогр.
кўлл. / Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси;
Тузувчи Ф.Рўзиева; Муҳаррир Ҳ.Маматраимова;
Масъул муҳаррир О.Қиличбоев.-Т.: Алишер Навоий ном.
Ўзбекистон Миллий к-наси нашриёти, 2006.- 40 б.

КБК 78.342+75.4(5 Ў)

Ушбу методик-библиографик кўлланмада ахборот кутубхона марказларида спортга оид адабиётлар тарғиботи ва тадбирларни ўтказиш ҳақидаги маълумотлар берилган. Кўлланмага Ўзбекистоннинг мустақилликка эришгандан кейинги йилларда спортни ривожлантириш бўйича олиб борилган ишлари киритилган. Унда адабиётлар рўйхати ҳам берилган. Кўлланма ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари ходимлари ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

© Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
нашриёти, 2006 й.

Сўз боши

Жисмоний тарбия ва спорт юртимизнинг ҳар қайси шаҳар ва қишлоқларига, ҳар бир хонадонга кириб боришига эришиши шу асосда ҳаётимизда соғлом турмуш тарзини қарор топтириши бизнинг олижаноб орзу-интилишларимизнинг узвий бир қисмига айланиши зарур.

И.Каримов

Ҳеч бир нарса мамлакатни спорт каби дунёга машҳур қила олмайди. Спорт қадимдан то ҳозирги кунга қадар инсоният ҳаётида муҳим аҳамият касб этиб келмоқда.

Жаҳон мамлакатлари қатори юртимизда ҳам спорт ривожланиб бормоқда. Республикамизда спорт умумдавлат иши ҳисобланиб, жисмоний маданият билан бирга аҳолининг барча қатламларини ва ёшлар гуруҳини қамраб олган. Мамлакатда 50 дан зиёд спорт тури оммалашган, улардан 30 тури олимпиада ўйинлари дастурига киритилган.

Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”, “Ўқувчи ва талаба ёшларни спортга жалб қилишга қаратилган узлуксиз спорт мусобақалари тизимини ташкил этиш тўғрисида”, “Оммавий спорт тарғиботини янада кучайтириш чора тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари мамлакатимизда спортнинг янада ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Спорт соҳасида турли унвонлар таъсис этилди, шунингдек спорт матбуоти шаклланди. Қўлланма ахборот кутубхона марказларида спорт ҳақидаги адабиётларни тарғиб қилиш ва спортга бағишланган тадбирларни ўтказишда кутубхоначиларга ёрдам бериш мақсадида тузилди ҳамда кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Ўзбекистон Республикаси Қонуни Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида

1-модда. Умумий қоидалар

Жисмоний тарбия Ўзбекистон Республикаси халқлари миллий маданиятининг ажралмас қисми, жисмоний ва маънавий камолотнинг муҳим воситаси бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг халқлари ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш, ижтимоий ва иқтисодий тараққиёт ишига хизмат қилади.

Ушбу Қонун жисмоний тарбия ва спорт, шу жумладан спортнинг техник турлари соҳасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини белгилаб беради.

2-модда. Фуқароларнинг жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ҳуқуқлари

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жинсидан, ёшидан, миллатидан, динидан, мулкӣ ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш, жисмоний тарбия-соғломлаштириш йўналишидаги жамоат ташкилотларига бирлашиш, жисмоний тарбия-спорт ҳаракатини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқига эгадир.

Давлат жисмоний тарбия ва спортни, шу жумладан спортнинг техник турларини ривожлантиришга маблағ ажратади, бу соҳада давлат бошқаруви идораларини тузади, аҳолининг барча гуруҳларини жисмоний чиниқтириш тизimini ишлаб чиқади, мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида илмий тадқиқотлар ўтказиш ҳамда фуқароларнинг бу борадаги манфаатларини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш ишларини уюштиради, жисмоний тарбия-спорт индустрияси ва инфраструктурасини ривожлантиради.

3-модда. Фуқароларнинг жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги вазифалари

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ўз саломатликларини асраш ва мустаҳкамлаш, жисмоний чиниқишлари тўғрисида қайғуришлари шарт.

Ота-оналар, хомийлар, васийлар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар оиладаги болаларнинг жисмонан ҳар томонлама камол топиши ва саломатлиги тўғрисида қайғуришлари, жисмоний тарбия-спорт машқлари учун уларга зарур шароитлар яратиб беришлари ҳамда соғлом турмуш тарзида ўзлари шахсан намуна кўрсатишлари шарт.

4-модда. Қорақалпоғистон Республикасининг жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ҳуқуқ-ваколатлари

Қорақалпоғистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш масалалари Қорақалпоғистон Республикасининг қонунлари билан тартибга солинади.

5-модда. Халқ депутатлари маҳаллий Советларнинг жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ҳуқуқ-ваколатлари

Халқ депутатлари маҳаллий Советлари ва уларнинг ижроия идоралари ўз ҳуқуқ-ваколатлари доирасида ўзларига қаршли ҳудудда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга раҳбарлик қиладилар, жумладан:

- жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришни пул билан таъминлайдилар;
- зарур моддий-техника базасини яратадилар;
- корхоналар ва ташкилотларни жисмоний тарбия-соғломлаштириш, спорт ва сайёҳлик учун мўлжалланган моллар ишлаб чиқаришга жалб этадилар;
- жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт йўналишидаги давлат, кооператив, жамоат бирлашмалари ва ташкилотларининг тузилишига кўмаклашадилар;
- жисмоний тарбиянинг моддий базасини ривожлантириш ва жисмоний тарбия-соғломлаштириш тадбирлари

ўтказиш учун ихтиёрийлик асосида давлат, кооператив, жамоат ташкилотларининг, муассасалар ва корхоналарнинг, айрим фуқароларнинг маблағларини жамлайдилар;

- зарур ўқув базасини таъминлаган ҳолда болалар ва ўсмирлар спорт мактабларини, шунингдек ўспирин ёшларга мўлжалланган жисмоний тарбия ва спорт клублари, жисмоний тарбия-спорт йўналишидаги мактабдан ташқари бошқа муассасалар ташкил этадилар ҳамда уларни пул билан таъминлайдилар;

- умумий таълим мактабларида, мактабгача тарбия болалар муассасаларида кўшимча равишда жисмоний тарбия-спорт машғулоти уюштирилишини пул билан таъминлайдилар.

6-модда. Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортга раҳбарлик қилиш

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси ва халқ депутатлари ноҳия, шаҳар, вилоят Кенгашларининг жисмоний тарбия ва спорт қўмиталари жисмоний тарбия ҳамда спортни бошқарувчи давлат идораларидир.

Спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантиришга умумий раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси мудофаасига ёрдам кўрсатувчи “Ватанпарвар” ташкилоти амалга оширади.

7-модда. Жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт йўналишидаги жамоат бирлашмалари

Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришни ўз мақсади деб билган жисмоний тарбия-спорт жамиятлари, спорт федерациялари, уюшмалари, жамғармалари ва фуқароларнинг ўзга уюшмалари жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт йўналишидаги жамоат бирлашмалари ҳисобланади.

Жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт йўналишидаги жамоат бирлашмалари ўз фаолиятларида “Ўзбекис-

тон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва ўз уставларига риоя этадилар.

Жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт йўналишидаги жамоат бирлашмалари давлатнинг молиявий, моддий ва бошқа ёрдамидан фойдаланишлари мумкин.

Жисмоний тарбия ва спорт давлат бошқаруви идоралари спортни ривожлантириш, мусобақалар уюштириш, спортчиларни тарбиялаш ва уларни республикалараро ҳамда халқаро мусобақаларда қатнашишга тайёрлаш ваколатларини спорт федерацияларига, жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт йўналишидаги жамоат бирлашмаларига бериши мумкин.

Жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт йўналишидаги жамоат бирлашмалари билан жисмоний тарбия ва спорт давлат бошқарув идоралари ўртасидаги ўзаро муносабатлар шартномаларда белгиланади.

8-модда. Соғлиқни сақлаш идоралари ҳамда муассасаларнинг жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришда иштирок этиши

Соғлиқни сақлаш идоралари ва муассасалари, тиббиёт ўқув юртлари:

- жисмоний тарбиядан саломатликни мустаҳкамлаш, касалликларнинг олдини олиш ва касалликни даволаш воситаси сифатида кенг фойдаланадилар;

- республика аҳолисининг жисмоний жиҳатдан ривожланганлигини таҳлил этадилар ва Ҳукуматга тегишли таклифлар киритадилар;

- жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланаётган шахсларни тиббий назоратдан ўтказадилар, республика терма командаларини Олимпия ўйинларига, халқаро ва республикалараро ҳамда бошқа мусобақаларга тайёрлашни тиббий жиҳатдан таъминлашда қатнашадилар;

- жисмоний тарбия соҳасидаги соғлиқни сақлаш мутахассисларини тайёрлайдилар ва уларнинг малакасини оширадилар;

- жисмоний машқларнинг махсус дастурларини ишлаб чиқадиладар, соғломлаштириш марказлари, тиббиёт-жисмоний тарбия диспансерларини ташкил этадилар, уларни махсус аппаратлар ва асбоб-ускуналар билан жиҳозлайдилар.

9-модда. Жисмоний тарбия ва спортни, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш

Матбуот, телевидение, радио, бошқа оммавий ахборот воситалари, жисмоний тарбия ва спорт давлат бошқаруви идоралари, соғлиқни сақлаш идоралари, жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт йўналишидаги жамоат бирлашмалари аҳоли ўртасида жисмоний тарбия ва спортни кенг тарғиб этишни таъминлайдилар.

Спортда шафқатсизлик ва зулмни, инсон кадр-қимматин камситишни, киши саломатлигига зарар етказувчи тақиқланган гиёҳларни қўллашни тарғиб қилишга йўл қўйилмайди.

10-модда. Жисмоний тарбия ва спорт бўйича меҳнат фаолияти билан шуғулланиш

Жисмоний тарбия ва спорт бўйича меҳнат фаолияти билан шуғулланишга жисмоний тарбия бўйича махсус маълумотга эга бўлган ёки махсус тайёргарлик курсини тугатган шахсларга рухсат этилади.

Даволаш жисмоний тарбия мутахассислиги бўйича меҳнат фаолияти билан шуғулланишга жисмоний тарбия бўйича махсус маълумотга ёки тиббий маълумотга эга бўлган кишиларга рухсат этилади.

11-модда. Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва аттестациядан ўтказиш

Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассислар тайёрлаш ишлари олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, дорил-фунунларнинг, педагогика ва медицина институтлари ҳамда билим юртларининг махсус факультетлари ва бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

Жисмоний тарбия ва спорт ходимларининг малакасини ошириш ва уларни аттестациядан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

12-модда. Жисмоний тарбия ва спортга маблағ ажратиш

Жисмоний тарбия ва спортни маблағ билан таъминлаш республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар, қасаба уюшмаларининг маблағлари, аъзолик бадаллари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, айрим шахслар ихтиёрий равишда берадиган маблағлар, томошабоп спорт тадбирлари ва спорт лотереялари ўтказишдан, аҳолига хизматлар кўрсатишдан келадиган тушумлар, уй-жойлардан фойдаланиш ташкилотларининг ажратмалари ва бошқа тушумлар ҳисобидан амалга оширилади.

“Жисмоний тарбия ва спорт соҳаси” республика бюджетидан алоҳида моддада акс эттирилади. Пул билан таъминлаш ҳамжларини аҳоли жисмоний тарбияси ва оммавий спортни маблағ билан таъминлаш олий тоифадаги спортчиларни тайёрлашга маблағ ажратишга нисбатан устун эканлигини ҳисобга олган ҳолда Олий Кенгаш ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари белгилайди.

Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга, шу жумладан жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотлари қурилишига ажратиладиган банк ссудалар

бўйича улардан фойдаланганлик учун имтиёзли фоизлар белгиланиши мумкин.

13-модда. Жисмоний тарбия-соғломлаштириш ишларига, спорт ва сайёҳликка мўлжалланган махсулотлар

Жисмоний тарбия-соғломлаштириш ишларига, спорт ва сайёҳликка мўлжалланган буюмлар, анжомлар ва техник воситалар халқ истеъмоли моллари гуруҳига киради.

14-модда. Жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотлари

Жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотлари мулкчиликнинг турли шаклида бўлиши мумкин.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари уй-жой қурилишига йўналтирилаётган жами маблағнинг камида 1,5 фоизини турар жой районларида жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт йўналишидаги объектлар қурилишига ажратадилар ҳамда ўз ҳудудларида жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт йўналишидаги объектлар қурилишини режалаштириш, лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланишга топширишни назорат қиладилар.

Мактабгача тарбия болалар муассасалари ва умумтаълим мактаблари, бошқа ўқув муассасалари учун ишловчиларнинг сонига, ўқувчилар ёки тарбияланувчилар таркибига қараб, асосий жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотлари билан энг кам таъминланганлик нормативлари белгиланади.

Зарур жисмоний тарбия ва спорт комплекси иншоотларини назарда тутмаган ҳолда янги мактабгача тарбия болалар муассасалари, умумтаълим мактаблари ва ўқув юртлари қуришга ҳамда мавжудларини таъмирлашга, шунингдек жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотларини айнан шу ҳудудда (мавзеда) худди шунга яраша иншоотни қурмай туриб тугатишга йўл қўйилмайди.

15-модда. Имтиёзли жисмоний тарбия-спорт хизматлари

Кўп болали ва кам таъминланган оилаларнинг болаларига, ногиронларга, етим болаларга, Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига ҳамда имтиёзлар бўйича уларга тенглаштирилган шахсларга текинга, мактабгача ёшдагилар ва мактаб ўқувчиларига имтиёзли шартларда жисмоний тарбия-спорт хизматлари кўрсатилади.

Жисмоний тарбия-спорт хизматларидан текинга ёки имтиёзли шартларда фойдаланадиган фуқаролар тоифаларининг рўйхати, бериладиган имтиёзлар ҳажми, уларни бериш тартиби ва тегишли ҳаражатларни қоплаш манбалари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг қарорлари билан белгиланади.

16-модда. Мактабгача тарбия болалар муассасаларида, умумтаълим мактаблари ва бошқа ўқув юртлирида жисмоний тарбия

Мактабгача ёшдаги болалар, ўқувчилар ва талабалар саломатлигини асраш ва мустаҳкамлаш, уларда жисмоний баркамолликка эҳтиёжни шакллантириш мактабгача тарбия болалар муассасалари ва ўқув юртлирининг устун вазифаси ҳисобланади.

Ўқув юртлири тайёргарликнинг нормативларини, маҳаллий шароитлар ва ўқувчиларнинг қизиқишларини ҳисобга олиб, жисмоний тарбия машғулотлари ўтказишнинг шакллари, воситалари, услублари ва давомийлигини белгилайдилар.

Мактабгача тарбия болалар муассасалари ва ўқув юртлири ҳар йили камида бир марта мактабгача ёшдаги болаларнинг ҳамда ўқувчи ёшларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини кўриқдан ўтказадилар.

Умум таълим мактабларида, бошқа ўқув юртлирида жисмоний тарбия бўйича имтиҳонлар ўтказилади.

Кўриклар ва имтиҳонлар ўтказиш тартиби ҳамда шартлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълим вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан белгиланади.

Ўқув юртлари армияга чақирилиш ёшидагиларни ва чақирилувчиларни хизматга жисмоний жиҳатдан тайёрлайдилар.

17-модда. Аҳолига пулли хизматлар кўрсатиш

Аҳолига пулли жисмоний тарбия-соғломлаштириш хизматлари кўрсатиш жисмоний тарбия муассасалари, корхоналар, шунингдек яқка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи айрим шахслар томонидан амалга оширилади. Бундай хизматлар кўрсатиш мактабгача тарбия болалар муассасаларида, мактабларда, бошқа ўқув юртларида, ишлаб чиқаришларда ўтказиладиган жисмоний тарбия машғулотларига қўшимча бўлади.

Пулли жисмоний тарбия-соғломлаштириш хизматлари турларининг рўйхати жисмоний тарбия ва спортнинг давлат бошқаруви ҳудудий идораси томонидан тасдиқланади.

18-модда. Ҳарбий хизматчиларни ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар шахсий таркибини жисмоний жиҳатдан тайёрлаш

Ҳарбий хизматчиларни ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар шахсий таркибини жисмоний жиҳатдан тайёрлашнинг мазмуни ва шакллари тегишли давлат бошқаруви идоралари томонидан белгиланади.

19-модда. Давлат, кооператив ва жамоат корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотларида жисмоний тарбия

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг маъмурияти, кенгаши (бошқаруви), касаба уюшмалари қўмиталари ходимларига ва уларнинг оила аъзоларига жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун

шароитлар яратиб беришлари шарт, бу машғулотлар иш куни давомида чарчоқёзди ва касбий-амалий машқлар, ишдан кейинги чарчоқёзди машқлари ўтказишни, оммавий спорт ишларини, спорт-соғломлаштириш сайёҳлигини, ҳарбий хизматга чақирилиш ёшидагилар ва чақирилувчиларни жисмонан тайёрлашни қамраб олмоғи лозим.

Жисмоний тарбия-спорт машғулотлари учун моддий база яратиш, уни маблағ ва мутахассислар билан таъминлаш тартиби жисмоний тарбия ва спорт давлат бошқаруви идоралари томонидан белгиланган низомлар ва нормативлар асосида ишлаб чиқилган жамоа шартномалари, корхоналар, муассасалар ҳамда ташкилотларнинг жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга доир дастурлари билан белгиланади.

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг маъмурияти, кенгашлари (бошқаруви), касаба уюшмаси кўмиталари соғлиқни сақлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш ҳамда жисмоний тарбия ва спорт ходимларини, соғломлаштириш объектларини бирлаштирувчи ягона сихат-саломатлик хизматини яратади.

20-модда. Санаторий-курорт муассасалари, дам олиш уйларида ҳамда сайёҳлик кўнимгоҳларида жисмоний тарбия-соғломлаштириш ишлари

Санаторий-курорт муассасалари, дам олиш уйлари ҳамда сайёҳлик кўнимгоҳларининг маъмурияти дам олувчиларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, касалликларнинг олдини олиш ва даволаш учун жисмоний машқлардан, жисмоний тарбиянинг бошқа шаклларида фойдаланишлари шарт.

Барча санаторий-курорт муассасаларида, дам олиш уйларида ва сайёҳлик кўнимгоҳларида яқка тартибда, гуруҳ-гуруҳ бўлиб жисмоний тарбия-соғломлаштириш машғулотлари ўтказиш учун жисмоний тарбиянинг моддий базалари, бошқа шарт-шароитлар яратилади.

21-модда. Ногиронлар учун жисмоний тарбия ва спорт

Ногиронлар учун жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш уларнинг ижтимоий камол топишига ҳамда жисмоний жиҳатдан қайта қувватга киришига қаратилган бўлиб, ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ амалга оширилади.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ногиронлар жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун махсус жисмоний тарбия-соғломлаштириш спорт иншоотлари яратилишини ҳамда умумий фойдаланишдаги иншоотларда зарур шарт-шароитлар яратиб берилишини таъминлайдилар.

22-модда. Жисмоний тарбия ва спорт машғулотларини, спорт мусобақалари ва томошабоп спорт тадбирларини ўтказиш чоғида хавфсизлик қонун-қоидаларига риоя этиш, фуқароларнинг саломатлигини, шаъни ва кадр-қимматини муҳофаза этиш

Жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотларининг маъмурияти машғулотлар ҳамда мусобақалар ўтказиладиган жой жисмоний тарбия ва спорт давлат бошқарув идоралари томонидан тасдиқланган қоидаларга, хавфсизлик техникаси ҳамда санитария-гигиена нормаларига мувофиқ зарур даражада техник жиҳатдан жиҳозланишини таъминлайдилар.

Жисмоний-тарбия спорт машғулотлари ва мусобақалар уларнинг қатнашчилари ҳамда томошабинларнинг саломатлиги, шаъни ва кадр-қимматига зиён етказмайдиган қилиб ўтказилиши керак.

Белгиланган тартибда аттестациядан ўтган шахсларнинг спорт мусобақаларида ҳакамлик қилишига йўл қўйилади.

23-модда. Ўзбекистон Республикасида Олимпия ҳаракати

Ўзбекистон Республикасида Олимпия ҳаракати:

- Олимпия ғоялари ва қоидаларини оммалаштиришни, ёш авлодни ўзаро ҳамжиҳатлик ва дўстлик руҳида тарбиялашни;
- аҳоли ўртасида жисмоний тарбия ва спортни ташвиқот қилишни;
- Ўзбекистон Республикаси спортчилари Олимпия ўйинларида қатнашишни ўз олдига мақсад қилиб кўяди.

Ўзбекистон Республикасида Олимпия ҳаракати Ўзбекистон Республикаси миллий Олимпия кўмитаси томонидан йўналтириб турилади ҳамда бошқарилади. Бу кўмита ўз фаолиятини Олимпия хартиясига асосан амалга оширади.

24-модда. Юқори кўрсаткичлар спорти

Юқори кўрсаткичлар спорти шахсинг жисмоний ва маънавий имкониятларини очишга қаратилган бўлиб, у аҳолининг бўш вақтини мазмунли ўтказиш воситасидир.

Халқаро даражадаги спортчиларни ихтисослаштирилган спорт муассасалари тайёрлайди.

Жисмоний тарбия ва спортни бошқарувчи давлат ҳамда жамоат идоралари республика терма командаларининг аъзоларига спорт машғулотларини ўқиш, ишлаб чиқариш фаолияти, ҳарбий хизмат билан яхши кўшиб олиб боришда спортчига зарур шарт-шароитларни яратиб бериш мақсадида жисмоний тарбия ва спорт давлат ҳамда жамоат бошқаруви идоралари ўқув юртлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар билан шартнома тузади.

Спортчиларни тайёрлашга пул ажратиш давлат ташкилотлари ҳамда жисмоний тарбия-соғломлаштириш жамоат бирлашмалари томонидан шартномалар асосида амалга оширилади.

25-модда. Спортчиларнинг ижтимоий жиҳатдан химояланганлиги

Давлат бошқаруви идоралари, спорт федерациялари, жамоат бирлашмалари спортчиларга молиявий ёрдам кўрсатишлари мумкин.

Спортнинг ўйин турлари бўйича Ўзбекистон Республикаси терма командалари ва мастерлар командаларининг спортчилари, тренерлари, бошқа мутахассислари ўртасидаги меҳнат муносабатлари контракт асосига қурилади.

Жисмоний тарбия ва спортнинг давлат бошқаруви идоралари, жамоат бирлашмалари, спорт клублари ва марказлари, бошқа ихтисослашган спорт ташкилотлари ва муассасалари спортчилар учун зарур ижтимоий-маиший шароитлар яратиб беришлари, улар саломатлигини муҳофаза этишлари ҳамда спорт фаолиятини тугатгач уларни ишга жойлаштиришлари шарт.

Спортнинг ўйин турлари бўйича Ўзбекистон Республикаси терма командалари штатдаги мастерлар командалари таркибига кирувчи спортчилар кўп йиллик хизмат қилганлик учун пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар. Уқтириб ўтилган пенсияларни тайинлаш тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонунлари билан белгиланади.

Спорт мусобақаларида қатнашаётган шахслар суғурта ҳуқуқига эга бўлишлари шарт.

26-модда. Профессионал спорт

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари профессионал спорт билан шуғулланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Профессионал лигалар, уюшмалар, клублар ва бошқа профессионал ташкилотлар тузиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш тартиби, спортчилар билан битимлар ҳамда меҳнат муносабатларининг бошқа шакллари тузиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг жисмоний тарбия ва спорт давлат бошқаруви идоралари томонидан меҳнат ва ижтимоий масалалар бўйича тегишли давлат идоралари

билан ҳамкорликда халқаро спорт ташкилотларининг уставлари, хартияси, низомлари ва бошқа ҳужжатларини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

27-модда. Спортда қўлланиш ман этилган усуллар, воситалар

Спорт билан шуғулланишда Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спортни бошқариш давлат идоралари, халқаро спорт ташкилотлари томонидан тасдиқланган тартибга солиб турувчи ҳужжатларда ман этилган воситаларни қўллашга йўл қўйилмайди.

Юқори спорт кўрсаткичларига эришиш мақсадида атайин стимуляторлардан, допинг моддалардан, Халқаро олимпиада қўмитаси тасдиқлаган Медицина кодексида тақиқланган воситалардан фойдаланган спортчи мусобақалардан четлаштирилади.

Стимуляторлар, допинг моддалар, Медицина кодекси рўйхатига кирувчи бошқа тақиқланган воситаларни тарқатишга атайин кўмаклашаётган шахслар Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиладилар.

28-модда. Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисидаги қоидаларни бузганлик учун жавобгарлик

Давлат, кооператив ва жамоат корхоналари, муассасалари, ташкилотлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар ушбу Қонунни бузганлик учун Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

Спортнинг келиб чиқиш тарихи

Жисмоний маданиятнинг таркибий қисми, жисмоний тарбия воситаси ва усули, жисмоний машқларнинг турли мажмуалари бўйича мусобақалар ташкил этиш, тайёрлаш ва ўтказиш тизими бўлмиш – спорт (инг. sport - ўйин) деган маънони англатар экан. Спортнинг мақсади кишиларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш ва умумий жисмоний ривожлантириш билан бирга спорт мусобақаларида юқори натижа ва ғалабаларга эришишдир. Спорт тарихи жуда қадим замонларга бориб тақалади. Илк спорт мусобақалари милоддан аввал 1580 йилда бўлиб ўтган эди. Спорт 1894 йилда Халқаро Олимпиада қўмитаси ташкил топганидан кейин жуда тез ривожланди. Замонавий Олимпиада ўйинлари эса 1896 йилда ўтказилган.

Спортнинг асосий 3 та ўзаро боғлиқ ташкилий шакллари мавжуд: оммавий ҳаваскорлик спорти; ўқув фан сифатидаги спорт; юқори натижалар спорти.

Тараққиёт жараёнида спорт жисмоний тарбия доирасидан чиқиб, мустақил умуммаданий, сиёсий, эстетик, иқтисодий аҳамият касб этди. Спортнинг шахс умумий тараққиётида таъсири жуда катта. Жисмоний машқлар организмнинг умумий тонусини сақлаб, кайфиятини кўтаради ва ўз ўзидан фикрлаш жараёнининг ижодлилигини таъминлайди.

Спорт турларининг 2 асосий гуруҳи мавжуд: *миллий спорт турлари* – ҳар бир халқнинг ўзига хос турмуш тарзи, меҳнат фаолияти, дам олиш шароити асосида ривожланган. *Халқаро спорт турлари* – муайян шароитларда мусобақалар ўтказишнинг умумлаштирилган тизимларидан иборат бўлиб, бунда мусобақа муносабатларини, натижаларни ҳисобга олиш ва баҳолашни халқаро миқёсда бир хил тартибга келтириш, ягона қоидалардан фойдаланишга асосланган махсус чеклашлар назарда тутилади. Спорт ер юзидаги халқ ва миллатларни бирлаштириб дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлайди.

Мустақил Ўзбекистонда спорт

Ўзбекистон спорти миллий маданиятимизнинг узвий қисми ҳисобланади. У кенг халқ оммасини юксак ахлоқий руҳда тарбиялашда ва саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим воситалардан бири бўлиб қолди. Мамлакатимизда яшовчи халқлар асрлар давомида хилма-хил жисмоний машқлар ва миллий мусобақалар турларини яратдики, бу ўз навбатида ёшларнинг жисмоний ва маънавий тарбиясига жиддий таъсир кўрсатди.

Спорт Ўзбекистонда минг йиллар оша шаклланиб келган қадимий маданиятнинг бир кўринишидир. Турли туманларда яшовчи айрим уруғларнинг алоҳида жисмоний машқ ва ўйинлари мавжуд бўлиб, мазкур турлари мунтазам ривожланиш тарихига эга.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда спортнинг 50 дан зиёд тури оммалашган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг спортга доир бир қанча қарорлари спортни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Шунингдек, мактабларда жисмоний тарбия дарслари самарадорлигини ошириш, аҳоли ўртасида спорт маданиятини юксалтириш, оммавий спорт тарғиботини ривожлантириш тадбирлари ишлаб чиқилиб, уларни ҳаётга тадбиқ этишга киришилди. Жумладан, Ўзбекистон телевидениесининг 4-чи канали Спорт каналига айлантирилди. Болалар спорти учун педагог мураббийлар тайёрлаш, спорт журналистикаси ва психологияси мутахассисликлари бўйича таълим тизимини такомиллаштириш юзасидан муайян ишлар амалга оширилган. Спортчиларни ижтимоий ҳимоялаш масалалари қонун билан мустаҳкамланди. Спортчиларнинг айрим тоифалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқидан фойдаланадилар. Спорт соҳасида жуда катта ютуқларга эришган фуқаролар, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришда алоҳида хизмат кўрсатган спорт

устозлари, спортчиларни тақдирлаш мақсадида бир қанча фахрий унвонлар таъсис этилди.

Ўзбек юртидан жаҳонга донг таратган спортчилар жуда кўп. XVIII асрда яшаб ўтган буюк шоир ва кураги ерга тегмаган полвон, хоразмлик Маҳмуд Паҳлавон номи абадий қолган. Ўзбекистонда қадимдан спортнинг миллий турларидан кураш, от спорти, камондан отиш, дорбоз ўйинлари кабилар анча ривожланган эди.

Эндиликда Ўзбекистон жисмоний тарбия ва спорти оддий жисмоний машқ ва ўйинлардан замонавий олимпия спорт турларига қадар юксак тараққиёт йўлини босиб ўтди.

Ватанамиз шаънини ҳимоя қилиб жаҳон чемпионлари бўлган юртдошларимиздан курашда С.Қурбонов, Б.Файзиев, С.Ходиев, Р.Қозоқов, қиличбоз С.Рўзиев, баскетболчи Р.Салимова, боксчи Р.Рисқиев, Артур Григорян, Олимпия ўйинлари чемпионлари Э.Саъдий, С.Диомидов, полвонлардан М.Хадарцев, А.Фадзаев, Абдулла Тангриев, машҳур чавандоз М.Исломов, оғир атлетика бўйича жаҳон чемпиони Эркин Каримов, шахмат бўйича жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов, теннис бўйича Ирода Тўлаганова ва бошқа кўпгина спортчилар жаҳонга машҳур.

Спорт ҳозирги жамиятнинг янада тараққий этишида ёрдам берувчи давлатнинг қудратли воситасидир. Мустақиллик йилларида жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлиги янада кенгайди. Республика аҳолисининг катта қисми спортнинг ҳар хил турлари билан шуғуллана бошлади.

Ўзбекистон ҳукумати жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга катта мадад бермоқда. “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги қонун (1992 й.) Мустақил Ўзбекистон Республикаси қабул қилган дастлабки қонунлардан бири бўлди, шунинг натижасида ўқув юртларида, туманлар, шаҳарлар, вилоятларда умуман республикада жисмоний маданиятни ривожлантириш умуммиллий тусга кирди.

Мустақиллик йилларида қисқа вақт ичида барча вилоят ва шаҳарларда халқаро андозаларга мос келадиган замонавий спорт иншоотлари қурилди. Тошкентдаги “Юнусобод”, “Жар”, Бухоро, Жиззах, Наманган, Самарқанд каби йирик шаҳарларда бир неча спорт соғломлаштириш мажмуалари қурилди. Спорт иншоотларининг мавжудлиги, тегишли инфратузилма вужудга келтирилганлиги республикада энг юксак даражадаги халқаро мусобақалар ўтказиш имконини берди. Масалан, Тошкентдаги Биринчи Марказий Осиё ўйинлари (1995 й.), теннис бўйича “Tashkent Open” очик халқаро аёллар турнири, халқаро кураш мусобақалари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов Халқаро Олимпия ҳаракатига қўшган катта ҳиссаси учун Халқаро Олимпия қўмитасининг олий мукофоти – Олимпиада Олтин орденига сазовор бўлди. Осиё Олимпия Кенгаши ордени билан мукофотланди.

1994 йилда Хиросима шаҳрида ўтказилган XXII Осиё ўйинларида 12 мамлакат спортчилари орасида Ўзбекистон йигит ва қизлари команда ҳисобида 5 ўринни олиб, 11 та олтин, 10 кумуш, 20 та бронза медалини қўлга киритдилар. Ўзбекистоннинг миллий футбол терма командаси биринчи марта Осиё ўйинлари чемпиони бўлди.

1996 йил февралда Харбинда ўтказилган III қишки Олимпиада ўйинларида фигурачилардан Татьяна Малинина ва Сергей Бренер яхши натижаларга эришдилар.

АҚШнинг Атланта шаҳрида ўтказилган XXVI Олимпиада ўйинларида ўзбек спортчилари дунёнинг ўн та энг яхши спортчилари қаторига чиқдилар. Армен Багдасаров (дзюдо) ва Карим Тўлаганов (бокс) совринлар билан тақдирланди.

Австралиянинг Сидней шаҳридаги XXVII Олимпиада ўйинларида (2000 йил) Ўзбекистон спортчилари дадил иштирок этиб, 1 та олтин, 1 кумуш, 2 та бронза медалларига

сазовор бўлдилар. Ўзбек боксчилари спорт делегациялари орасида энг яхши натижага эришдилар. Жумладан, Муҳаммадқодир Абдуллаев олтин ва Сергей Михайлов билан Рустам Саидов кумуш медалларни кўлга киритдилар. Эркин услубдаги курашчи Артур Таймазов кумуш медалга сазовор бўлди.

Ўзбекистон чемпиони, Осиё чемпиони, Халқаро турнирлар ғолиби боксчи Руслан Чагаев кўпгина ғалабаларга эишди.

Профессоналлар ўртасида бокс бўйича жаҳон чемпиони Артур Григорян халқаро рингларда ўзининг юксак унвонини 16 марта ҳимоя қилди.

1994-1999 йилларда Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Наманган, Андижонда дунёдаги энг кучли теннисчиларнинг “Челенжер”, “Сателлит”, “Дэвис кубоги” халқаро турнирлари ўтказилди. “Президент кубоги” халқаро турнири дунё спортчилари доирасида катта обрў ва нуфузга эга бўлиб қолди.

Ўзбекистон теннисчиларининг муваффақиятлари қонуниятли дейиш мумкин. Чунки мамлакатда спортнинг бу турини ривожлантиришга давлат раҳбари ҳомийлик қилмоқда. “Tashkent Open” деб аталган Очиқ Халқаро аёллар турнири жуда машҳур бўлди. Ҳозирги кунда ёшлар ўртасида Уимблдон турнирининг совриндори, кўпгина чемпионатларнинг ғолиби, Осиё чемпиони Ирода Тўлагановадан ташқари опа-сингил Биктяковалар, Наталья Никитина, Комила Дадахўжаева ва бошқаларнинг ҳам номлари танилди. Теннисчилардан Олег Огородов ва Вадим Куценко кўпгина халқаро турнирларда ғолиб чиқиб, совринларни кўлга киритдилар.

Бокс бўйича Осиё чемпионати, таэквондо бўйича Осиё ва Океания чемпионати, эркин кураш бўйича “А” тоифасидаги халқаро турнир юксак даражада ўтказилмоқда. Амир Темур ва Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган

миллий кураш бўйича халқаро мусобақалар йилига икки марта бўлиб турибди. 1999 йилда миллий кураш бўйича Тошкентда ўтказилган биринчи чемпионатда 50 мамлакатдан спортчилар қатнашди. Олтин медалларнинг ҳаммаси ва совринли ўринларнинг кўпчилиги ўзбек полвонларига насиб этди. Халқаро кураш уюшмаси тузилди, у жаҳон спорт ҳамжамиятида амал қилаётган бирдан-бир уюшмадир. Ўзбек миллий курашини Олимпиада ўйинлари дастурига киритиш халқаро кураш уюшмасининг энг муҳим стратегик мақсади бўлиб қолди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон спортчилари Олимпиада ўйинларида, дунё ва Осиё чемпионатлари ва кубокларида, Осиё ўйинларида ва йирик халқаро турнирларида 740 тадан ортиқ олтин, 700 тадан кўп кумуш, 900 тага яқин бронза медали соҳиби бўлдилар.

Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Республиканинг барча шаҳар ва туманларида футбол клублари ташкил этилди, мамлакат чемпионати қатнашчилари профессионал асосга ўтказилди.

Республикада 40 тага яқин футбол командаси бор. Улар олий ва биринчи лигада ўйнайди. Футболчиларнинг ихтиёрига 235 та стадион, 5200 тадан ортиқ футбол майдони, мини-футбол ўйинлари учун кўпдан-кўп майдончалар бериб қўйилган.

Республикада ногиронлар спортига алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий Олимпиада қўмитаси, Касаба уюшмалари федерацияси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Республика Ногиронлар жамияти ҳамда Халқаро Қизил Хоч минтақа ваколатхонасининг қўллаб-қувватлаши билан Спорт ногиронлари уюшмаси тузилган.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги республикада спортни ривожлантириш соҳасидаги асосий ишларга раҳбарлик қилади. Олимпия ҳаракати-

ни ривожлантириш ва Ўзбекистон спортчиларининг расмий халқаро мусобақаларда иштирок этиши соҳасидаги энг муҳим ишлар билан Ўзбекистон Миллий Олимпиада қўмитаси шуғулланади. Бу қўмита 1993 йилдан бери Халқаро Олимпиада қўмитасининг аъзосидир. Спорт турлари бўйича 32 ўзбек федерацияси халқаро федерацияларга аъзо бўлиб, барча халқаро мусобақаларда қатнашиш ҳуқуқини олган.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги мутахассисларни тарбиялаш билан Ўзбекистон жисмоний тарбия институти шуғулланади, унда 2 мингга яқин талаба таълим олади. Институт жисмоний тарбия муаллимлари ва спорт мураббий-муаллимларини тайёрлайди.

Республикада оммавий жисмоний тарбия кенг қулоч ёзган. 6,5 миллиондан кўпроқ кишини бирлаштирувчи 14500 дан ортиқ жамоа жисмоний тарбия ва спорт билан доимий равишда шуғулланмоқда.

Ўзбекистон ҳудудида 155 стадион, 4,7 мингдан кўпроқ спорт зали, 130 сузиш ҳавзаси, 1842 ўқ отиш тири, 21 мингдан зиёд турли спорт майдон ва майдончалари мавжуд. Замоनावий теннис кортлари барпо этилган.

Ўзбекистонда ўзбек ва рус тилларида “Спорт” ва ўзбек тилида “Ўзбекистон футболли” газеталари чиқади.

Кейинги йилларда мамлакатимизда сув спорти турларини ривожлантиришга катта аҳамият қаратилмоқда. Жойларда кўплаб замонавий очик ва ёпиқ сув ҳавзалари қад ростламоқда. Бундай жаҳон андозалари даражасидаги саройларда тез-тез халқаро нуфузли мусобақалар ўтказиб турилибди.

2006 йил 15-17 август кунлари Тошкентда спортнинг нафис ва жозибадор тури – синхрон сузиш бўйича VII “Сув париси” халқаро турнири ва Ўзбекистон кубоги очик мусобақалари бўлиб ўтди.

“Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод”, “Универсиада” спорт мусобақалари – бу, кадрлар тайёрлаш миллий дастури муҳотида юзага келган уч босқичли ноёб жисмоний тарбия тизимидир. Мактаб ўқувчиларининг “Умид ниҳоллари” спорт ўйинлари илк бор Фарғона шаҳрида ўтказилган. 2006 йил Қарши шаҳрида ўтказилди. “Умид ниҳоллари” ўйинлари ўзгача тантана билан ўтди. Чунки бу спорт ўйинлари Қарши шаҳрининг 2700 йиллик юбилей тантаналари арафасида бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ёшлари барча соҳада жумладан, спорт соҳасида ҳам катта ютуқларга эришмоқдалар.

“Спорт – соғлом турмуш гарови” мавзусида адабиётлар кўргазмаси тайёрлашнинг тахминий режаси

Кўргазма 2 ёки 3 бўлимдан иборат бўлиши мумкин.

1. Спорт ҳамроҳимиз бўлсин

Бу бўлимга ёшларни спортга жалб қилиш тўғрисидаги ҳамда жисмоний тарбия ва спортнинг инсон омилини шакллантиришдаги ўрни тўғрисидаги адабиётлар қўйилади.

2. Спорт ва соғлом турмуш тарзи

Бу бўлимда болалар спортини ривожлантириш ва болалар спортини оммавий спортга, уни ривожлантиришни оммавий ҳаракатга айлантиришга, ҳамда жисмоний тарбия ва соғлом турмуш тарзи ҳақидаги адабиётлар ўз аксини топган.

3. Бизнинг спортчиларимиз Олимпиада ўйинларида

Бу бўлимга турли спорт мусобақалари ҳақида, жаҳон чемпионатлари, Олимпиада ўйинлари ва уларнинг иштирокчилари ҳақидаги адабиётлар қўйилади.

“Спорт ҳаётимизнинг ажралмас қисми” мавзуида

Давра суҳбати

Давра суҳбати спортчилар ва спорт усталари билан китобхонлар ўртасида амалга оширилади.

1. Соғлом турмуш тарзини қарор топтириш – бизнинг олижаноб орзу-интилишларимизнинг узвий қисмга айланиши зарур.

2. Халқ шуҳратини дунёга тараннум этишда спортнинг ўрни.

3. Спорт муаммоларига эътибор.

Ким? Қачон? Қаерда? савол-жавоб ўйини

1. Спорт сўзининг луғавий маъноси?

(Спорт инглизча “sport” сўзидан олинган бўлиб ўйин деган маънони англатади).

2. Дастлабки спорт мусобақалари қачон ва қаерда ўтказилган?

(Милоддан аввалги 1580 йилда Юнонистонда дастлабки спорт мусобақалари ўтказилган).

3. Халқаро Олимпиада қўмитаси қачон ташкил этилган?

(1894 йилда Халқаро Олимпиада қўмитаси ташкил этилган).

4. Биринчи Олимпиада ўйинлари қачон бўлган?

(Биринчи Олимпиада ўйинлари 1896 йилда бўлиб ўтган).

5. Мамлакатимизда неча хил спорт турлари мавжуд?

(Бизнинг республикамизда 50 дан зиёд спорт турлари мавжуд).

6. Ўзбекистонда “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги қонун қачон қабул қилинган?

(Ўзбекистонда “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги қонун 1992 йилда қабул қилинган).

7. Теннис бўйича биринчи Марказий Осиё ўйинлари қачон ва қаерда ўтказилган?

(Тошкентда 1995 йил теннис бўйича биринчи Марказий Осиё ўйинлари ўтказилган).

8. Ўзбек шахматчиси Рустам Қосимжонов қачон жаҳон чемпиони бўлган?

(Рустам Қосимжонов 2004 йилда шахмат бўйича жаҳон чемпиони бўлган).

9. Боксчи Муҳаммадқодир Абдуллаев қачон, қаерда олтин медал соҳиби бўлган?

(Муҳаммадқодир Абдуллаев 2000 йил Австралиянинг Сидней шаҳридаги XXVII Олимпиада ўйинларида олтин медал соҳиби бўлди).

10. Профессиналлар ўртасида бокс бўйича жаҳон чемпиони юртдошимиз ким?

(Профессинал бокс бўйича жаҳон чемпиони Артур Григорян халқаро рингларда ўзининг юксак унвонини 16 марта ҳимоя қилди).

11. Ўзбекистон Миллий Олимпиада қўмитаси қачон Халқаро Олимпиада қўмитасига аъзо бўлди?

(Ўзбекистон Миллий Олимпиада қўмитаси 1993 йилда Халқаро Олимпиада қўмитасига аъзо бўлди).

12. Спорт турлари неча гуруҳга бўлинади?

(Спорт турлари 2 асосий гуруҳга бўлинади:

1. Миллий спорт турлари.

2. Халқаро спорт турлари).

13. Кураш бўйича Ўзбекистонлик жаҳон чемпионларини биласизми?

(Кураш бўйича С.Қурбонов, Б.Файзиев, С.Ходиев, А.Тангриевлар жаҳон чемпиони унвонига эга бўлганлар).

14. 2006 йил октябрь ойида ўтказилган “Tashkent Open” теннисчи аёлларнинг халқаро турнирида ҳамюртимиз Ирода Тўлаганова нечанчи ўринни олди?

(2006 йил “Tashkent Open” турнирида ҳамюртимиз Ирода Тўлаганова иккинчи ўрин соҳибаси бўлди).

15. 2005 йил ўтказилган каратэ бўйича жаҳон чемпионатида Ўзбекистон спортчилари нечта олтин медални қўлга киритдилар?

(2005 йил ўтказилган каратэ бўйича жаҳон чемпионатида ҳамюртларимиз 7 та олтин, 6 та кумуш, 4 та бронза медалини қўлга киритдилар).

16. Дилшод Маҳмудов ва Элшод Расуловлар қачон, қаерда спортнинг қайси тури бўйича жаҳон чемпиони бўлдилар?

(2006 йил октябрь ойида Германияда ўтказилган харбий хизматчиларнинг бокс бўйича жаҳон чемпионатида қатнашиб ҳамюртларимиз Дилшод Маҳмудов ва Элшод Расулов олтин медал соҳиб ва жаҳон чемпиони бўлдилар).

17. Абдулла Тангриев қачон жаҳон чемпиони бўлди?

(2005 йил 26-27 ноябрда Тошкентда ўтказилган кураш бўйича 5-жаҳон чемпионатида Абдулла Тангриев бир йўла икки карра 100 кг. юқори ва мутлоқ вазнда жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритди).

18. Оғир атлетика бўйича жаҳон чемпиони Ўзбекистонлик спортчи ким?

(Оғир атлетика бўйича жаҳон чемпиони ҳамюртимиз Эркин Каримов).

19. “Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарор қачон қабул қилинган?

(Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори 2004 йил 29 августда қабул қилинган).

20. Мактаб ўқувчиларининг “Умид ниҳоллари” спорт ўйинлари қайси шаҳарларда бўлиб ўтди?

(“Умид ниҳоллари” спорт ўйинларининг биринчиси Фарғона шаҳрида, иккинчиси Хоразм вилоятида, учинчиси 2006 йилда Қарши шаҳрида бўлиб ўтди).

21. Ўзбек футболчиларидан кимларни биласиз?

(Ўзбек футболчиларидан Миржалол Қосимов, Азамат Абдураимов, Шухрат Махсудов).

22. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов Олимпиада Олтин орденига қачон сазовор бўлди?

(1995 йил Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов Халқаро Олимпия ҳаракатига қўшган катта ҳиссаси учун Халқаро Олимпия Қўмитаси олий мукофоти - Олимпиада Олтин орденига сазовор бўлди).

23. XXII Осиё ўйинларида Ўзбекистон спортчилари нечанчи ўринни олишган?

(1994 йилда Хиросима шаҳрида ўтказилган XXII Осиё ўйинларида 12 мамлакат спортчилари орасида Ўзбекистон йигит ва қизлари команда ҳисобида 5 ўринни олиб, 11 та олтин, 10 кумуш, 20 та бронза медалини қўлга киритдилар).

24. Ўзбекистонда спорт соҳасига ихтисослаштирилган қайси газеталарни биласиз?

(Ўзбекистонда ўзбек ва рус тилларида “Спорт” ва ўзбек тилида “Ўзбекистон футболлари” газеталари чиқади).

25. Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги қонуни неча моддадан иборат? (Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги қонуни 28 моддадан иборат).

**“Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спорт ишларининг
ютуқ ва муаммолари” мавзусида китобхонлар
конференцияси ўтказиш йўл йўриқлари**

Ушбу мавзуда китобхонлар конференциясини ўтказиш учун 1-1,5 ой олдин тайёргарлик ишлари олиб борилади. Конференцияни ахборот кутубхона марказида ёки спорт мажмуи залида ўтказиш мумкин. Конференция куни ва жойи аниқ бўлгандан сўнг ахборот кутубхона марказларида, спорт саройларида, мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртларида эълон ёзилиб, конференция қатнашчиларига таклифномалар юборилади. Конференцияга мутахассислар, спорт усталари ҳам таклиф қилинади. Конференцияга маҳаллий матбуот, радио ва телевидениедан журналистларни таклиф қилиш мумкин.

Конференция ўтказиладиган жойни безаш мумкин. У ерда спорт соҳасидаги рангли расм ва деворий газеталар, спорт чемпионлари ва усталарининг портретларини қўйиш мумкин. Спорт соҳасига оид адабиётлар кўرғазмаси ҳам ташкил этиш керак. Конференцияни кутубхона ходими ёки фаол китобхон олиб бориши мумкин.

Конференция янада қизиқарли ўтиши учун маърузалар юзасидан саволлар берилиши ва муҳокама қилиниши мумкин. Конференция якунида спортнинг бирор тури билан шуғулланадиган спортчи болаларнинг чиқишларидан кичик бир кўриниш ҳам ташкил қилиш мумкин.

**“Спорт – соғлом турмуш гарови” мавзусида
ўтказиладиган тематик бадиий кеча сценарийси**

Катта ёруғ зал чиройли қилиб безатилган, спортчиларимиз ютуқларини акс эттирувчи турли расм, плакат ва кубоклар қўйилган.

Даврага иккита бошловчи кириб келади. Ўзбекистон мадҳияси янграйди.

1- бошловчи:

*Ўзбегим, жону дилим, ўзликка
хос бўлган элим,
Бирда қудрат, бирда ҳикмат
сўзликка мос бўлган элим.*

2- бошловчи: *Жисмоний машқ бирлан бўл доим ҳамдам,
Юз йил умр кўргунг, билки кўпроқ ҳам.
Ҳар хил дори дармон ёлгончи “табиб”
Мусаффо табиат дардингга малҳам.*

Ассалому алайкум, давраимизга ташриф буюрган энгилмас, чаққон ва зукко спортчиларимиз ва моҳир мураббийлар. Бугунги кечамизга хуш келибсизлар.

1- бошловчи: Ассалому алайкум, азиз меҳмонлар! Мана бугун бизнинг кутубхонамизда катта тантана спортчиларимизнинг бир йил давомида қўлга киритган ғалабаларини нишонлаш байрамидир.

“Байрам-халқнинг шодлик ва хурсандчилик кунидир» - деган эди Шарқнинг буюк олими Маҳмуд Қошғарий.

2 - бошловчи: Ҳа дарҳақиқат, байрамлар туфайли шодиёналар, тантанали воқеалар, муҳим саналар, улкан ютуқлар нишонланади. Байрам босиб ўтган йўлни чуқур англаш, қўлга киритилган ғалабалардан руҳланиш, эртанги кунга ишонч билан қарашга ёрдам беради.

Бугунги байрам кечамизда туманимизнинг спорт ишлари бўйича масъул вакили катнашмоқдалар табрик учун сўзни у кишидан эшитамиз.

1- бошловчи: Бугунги кечамизда бир гуруҳ санъаткорларимиз ташриф буюрган эндиги навбатни уларга берамиз марҳамат.

(Бир жуфт қўшиқ янграйди).

2 - бошловчи:

*Муҳташам майдонни тўлгазиб турган
Ватаннинг кўз нури дилбандларидир.*

*Келажак богидан чечаклар терган
Она Ўзбекистон фарзандларидир.*

Байрам кечамиз жуда яхши давом этмоқда. Мустақиллик йилларида болалар спортга эътибор жуда катта бўлди. Айни кунларда республикамизнинг барча жойларида болалар спорти кун сайин ривожланиб бормоқда. Бугунги байрам кечамизда спортнинг миллий кураш тури билан шуғулланадиган болалар иштирок этмоқдалар эндиги навбат уларга марҳамат.

(Болалар иштирокида миллий кураш бўйича сахна кўриниши).

1- бошловчи: Раҳмат болалар яна навбатни санъаткорларга берамиз марҳамат.

(Кўшиқ янграйди).

2 - бошловчи: Мамлакатимизда 50 дан зиёд спорт турлари мавжуд бўлиб улардан бири бу бадий гимнастика спорти. Республикамизда жуда кўп ёшларимиз шу спорт тури билан шуғулланадилар. Ҳозир навбатни гимнастикачи кизларимизга берамиз.

(Бадий гимнастика машқлари)

1- бошловчи: Раҳмат қизлар омад ҳар дамда ҳамроҳингиз бўлсин. Марҳамат сахнада раққоса қизлар.

(Рақс ижро этилади).

2 - бошловчи: Азиз меҳмонлар даврамиз қатнашчилари бугунги байрам тадбиримизда халқимизнинг сеvimли қизиқчиси ташриф буюрганлар қутлаш учун эндиги навбатни у кишига берамиз. Марҳамат.

Раҳмат ижодингизга улкан парвозлар тилаймиз. Ҳурматли байрамимиз меҳмонлари азиз спортчилар шу билан бугунги байрам тадбиримиз ниҳоясига етди. Барчангизга соғлик ва омонлик тилаган ҳолда ушбу куй кўшиқларимиз сизлар учун янграйди.

1- бошловчи: Яна бир бора хуш келибсизлар азиз меҳмонлар.(Кўшиқ).

Тадбирлар туркуми

Т.р	Тадбирлар номи	Шакли	Қатнашувчилар
1.	Спорт дўстлик тинчлик элчиси	Адабиётлар кўргазмаси	Кенг китобхонлар оммаси, мактаб, лицей, коллеж талабалари ва спортчилар
2.	Ўзбекистон спорти жаҳонга юз очмоқда	-*-	-*-
3.	Фарзандлари соғлом юртнинг келажаги буюқдир	-*-	-*-
4.	Спорт-бу соғлом келажак	-*-	-*-
5.	Ўзбекистонда спорт байрамлари	-*-	-*-
6.	Спортчи маънавияти ва кураш фалсафаси	Китобхонлар конференцияси	Кенг китобхонлар оммаси, талаба ва ўқувчилар, спорт усталари ва мутахассислар
7.	Ўзбекистонда миллий спорт тури ва унинг ривожланиш босқичлари	-*-	-*-
8.	Ёшлар ва спорт	-*-	-*-
9.	Болалар спорти: муаммо ва ютуқлар	-*-	-*-
10.	Ўзбекистон футболлари	-*-	-*-
11.	Шахмат - зеҳн-идрок баҳси	-*-	-*-

12.	Спорт соғлом турмуш тарзи	Давра суҳбати	-*-
13.	Соғ танда-соғлом ақл	-*-	-*-
14.	Халқаро спорт ўйинлари	-*-	-*-
15.	Спорт байрамлари керакми?	-*-	-*-
16.	Талаба ёшларнинг спорт мусобақалари ҳақида	-*-	-*-
17.	Ўзбекистон спорти тарихини биласизми?	Савол-жавоб кечаси	Кенг китобхонлар оммаси, талабалар, шу соҳа мутахассислари
18.	Шахматнинг тарихи. Ўзбек шахматчилари	-*-	-*-
19.	Оммавий спорт турлари	-*-	-*-
20.	Ўзбек диёридан чиққан жаҳон чемпионлари	-*-	-*-
21.	Ўзбек миллий кураши	-*-	-*-
22.	Бадий гимнастика гўзаллик тимсоли	Муסיқали кеча	Кенг китобхонлар оммаси, санъаткорлар
23.	Спорт ўйинлари-шодлик элчилари	-*-	-*-
24.	Ўзбекистон спортчилари ғалаба сари	-*-	-*-
25.	“Пахтакор” футбол гуруҳи ўйинчилари билан юзма-юз	Учрашув кечаси	Кенг китобхонлар оммаси
26.	Рустам Қосимжонов билан суҳбат	-*-	-*-
27.	Ўзбекистон спортчилари даврасида	-*-	-*-

Адабиётлар

Абдиев А. Янги асрнинг илк йилида Ўзбек спорти //Соғлом авлод учун.-2001.-№12.-Б.42-45.

Абдумаликов Р. Мехр-оқибат намунаси: [Гимнастикчилар ташаббуси ҳақида] //Спорт.-2000.-16 июнь.

Абдумаликов Р. Ҳаммабоп гимнастика /Такризчилар: Т.Т.Юнусов, Р.С.Саломов.-Т.: Ибн Сино ном. нашр., 1991.-38 б.

Ахматов М. Келажакка хизмат қилувчи тизим //Халқ таълими.-2001.-№4.-Б.4-10.

Ахматов М. Оммавий спорт мусобақаларида бошқарув тизими ва уни такомиллаштириш //Иқтисодиёт ва таълим.-2003.-№1.-Б.60-69.

Аҳмедов А. Спортчи маънавияти ва кураш фалсафаси: (Муносабат, мулоҳаза, мушоҳада) //Халқ сўзи.-2004.-19 февр.

Бек Боҳир. Ўзбекистоннинг асл ўғлони: [Халқаро боксчи Муҳаммадқодир Абдуллаев ҳаёти ва фаолияти ҳақида] //Адолат.-2005.-26 авг.

Ботиров Ҳ. Ўзбекистонда жисмоний тарбия тарихи. - Т.: Ибн Сино ном. нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1993.-128 б.

Даврон Шодиёр. Соғликни сақлаш бугун ва эртага, муаммо, мулоҳаза, таклиф //Хуррият.-2006.-17 май.

Довулова М. Болаликдан бошлаш муҳим: Хотин-қизлар спорти //Туркистон.-2006.-15 апр.

Довулова М. Соғлом авлод – соғлом келажак //Қишлоқ ҳаёти.-2006.-6 янв.

Дўстмуҳаммад Хуршид. Шарҳловчилик маҳорати //Халқ сўзи.-2003.-11 нояб.

Дўстов У. Сайёҳлик хизмати: мажбурият ва жавобгарлик //Ҳаёт ва қонун.-2003.-№4.-Б.70-71.

Дўстов У. Туризм хизмати уни ривожлантиришнинг айрим муаммолари //Ҳаёт ва қонун.-2003.-№5.-Б.49-50.

Ешимбетов Р. Қорақалпоғистонда болалар спортини ривожлантириш //Ўзбекистон овози.-2003.-13 февр.

Жамилова Г. Қизлар спорти ... У фақат қомат учунгина зарурми? //Саодат.-2003.-№5.-Б.3.

Жамилова Г. “Ҳар йўлбарс изидан: [Альпинист Рустам Ражабов ҳақида] //Ишонч.-2004.-5 июнь.

Жўрақулов К. Кулоч отиб сўз бола кучоғингга жойлансин жаҳон //Ишонч.-2006.-11 февр.

Зайнутдинова И. Соғлом авлод камолоти йўлида //Тошкент оқшоми.-2003.-5 февр.

Зайнутдинова И. Футбол клублари: Ривожланиш истиқболлари //Тошкент оқшоми.-2006.-2 окт.

Иноқов А. Тафаккур оламига саёҳат: [Шахмат ҳақида] //Тошкент оқшоми.-2004.-27 апр.

Иноқов А. Шахмат – зехн идрок баҳси: [Шахмат ўйини ҳақида] //Тошкент оқшоми.-2004.-15 янв.

Иноқов А. Шахмат санъати ҳақида //Тошкент оқшоми.-2004.-7 янв.

Исломов С. Рустам Қосимжонов “Амир Темур” ордени соҳиби //Ишонч.-2004.-16 июль.

Исломов С. Фақат ғалаба: Ўзбекистон-Баҳрайн: [Футбол] //Ҳаёт.-2005.-10 окт.

Исмоилов Д. “Пахтакор” - Ўзбекистон кубоги соҳиби //Тошкент оқшоми.-2003.-18 авг.

Исмоилов Д. “Пахтакор”нинг ишончли ғалабаси: [Футбол бўйича мусобақа] //Тошкент оқшоми.-2004.-26 февр.

Исоқов. Шаҳрихон футболли: (Туман футболли тарихидан лавҳалар) /Х.Исоқов, Х.Алимов. - Наманган: Наманган нашр., 2001.-72 б.

Исроилов Р. Олимпиадага тайёргарлик – янгича руҳда: [Сидней 2000]; (Кураш) //Тошкент оқшоми.-2000.-14 авг.

Исроилов Р. Суратларга муҳрланган лаҳзалар: [“Пахтакор” жамоасининг тарихи ҳақида] //Тошкент оқшоми.-2002.-18 нояб.

Кучлилар ўнлиги: ЖЧ саралаш ўйинлари таништирув альманахи /Бош муҳаррир А.Аҳмедов; Ижод. гуруҳ: А. Имомхўжаев, Ш.Мустафаев ва бошқ.-Т.: Шарқ, 2001.- 68 б.

Ли Минг Ёо. Долғали дунёнинг “Севинч”лари: [21 февраль куни пойтахтимизда кар-соқовлар маданият саройида “Севинч” жамоасининг таъсис йиғилиши бўлиб ўтди] //Ўзбекистон футболлари.-2000.-23 февр.

Махмудова Н., Хусанбоева Л., Кравцов А. Соғлом турмуш тарзида жисмоний тарбиянинг аҳамияти.-Т.: Ибн Сино ном. тиббиёт нашр., 1991.-16 б.

Махситов Б. Ўзбекистон спорт мамлакати //Ўзбекистон овози.-2002.-29 авг.

Мусаев С., Ярашев К. Спорт //Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 8-жилд. Солнома-Тўйтепа /Таҳрир ҳайъати: А.Азизхўжаев, М.Аминов, Т.Даминов ва бошқ.-Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашр., 2004.-Б.46-48.

“Мустақиллик кубоги” кундалигидан: [Кураш бўйича мусобақалар ҳақида] //Спорт.-2000.-15 февр.

Муҳаммадиев Н. Чемпионлик муборак Рустам: [Юртимиз тарихида илк бор шахмат бўйича жаҳон чемпиони бўлган Рустам Қосимжонов ҳақида] //Тошкент оқшоми.-2004.-14 июль.

Муҳиддинов М. Шахмат - кон ҳикмат. -Т.: Ўзбекистон, 1995.-223 б.

Мўминов А. Ўзбекистон спорт мамлакатига айланади //Фидокор.-2001.-1 февр.

Навбатдаги олимпиячимиз – Шерзод Хусанов: [Бокс] //Спорт.-2000.- 4 февр.

Нарзуллаев Н. Суюнчи бер, элим: [Жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов ҳақида шеър] //Ўзбекистон овози.-2004.-15 июль.

“Насаф” ҳамон пешқадам: [Футбол] //Адолат.-2005.-12 авг.

Норматов У. Кетма-кет ғалаба: [“Сурхон”-“Семурғ” жамоаларининг учрашуви] //Спорт.-2000.-4 апр.

Очилов Н. Донолар севган ўйин: [Шахматнинг тарихи ҳақида] //Қадрият.-2006.-1 янв.

Парпиев М. Спорт – шодлик, соғлик, ободлик //Ўзбекистон овози.-2003.-13 май.

Пўлатов О., Ярашев К. Жисмоний тарбия соғломлик йўли //Гулистон.-2002.-№1.-Б.20-21.

Раҳим Ҳайдарзода. Спорт – тарбиялайди, тоблайди, оламга танитади //Ўзбекистон овози.-2003.-4 янв.

Рихсиева З. Ўйиндан ташқари ҳолат: [Футбол] //Ишонч.-2005.-18 март.

Рустам Қосимжонов ярим финалга чиқди: [Ливия пойтахти Триполи шаҳрида давом этаётган шахмат бўйича жаҳон чемпионати ҳақида] //Тошкент ҳақиқати.-2004.-3 июнь.

Саидов Р. Афина ринги ўзбек бокси намоишига айланди: [Боксчи билан суҳбат] /Суҳбатдош В.Боймуродов //Тошкент ҳақиқати.-2004.-21 июль.

Сиддиқов Б., Отажонов М. Спорт – бу ўзига хос фалсафа //Соғлом авлод учун.-2004.-№4.-Б.79.

Султонов Ҳ. Спорт – миллат обрўси //Ўзбекистон матбуоти.-2002.-№2.-Б.3.

Тошхўжаев З. Муҳаммадқодир қитъалараро чемпион: [Профессионал бокс] //Халқ сўзи.-2004.-13 апр.

Тошхўжаев З. Олимпиада: ютуқ ва истиқбол: 28-ёзги Олимпиада (Афина) //Ишонч.-2004.-1 сент.

Тошхўжаев З. Спорт – сихат-саломатлик гарови
//Ватанпарвар.-2005.-4 янв.

Тошхўжаев З. Теннис маликалари яна пойтахтимизда:
“Тошкент опен” анъанавий турнири бошланди //Ишонч.-
2005.-4 окт.

Тўхлиев Н., Кременцова А. Ўзбекистон Республикаси
/Энциклопедик маълумотнома. - Т.: “Ўзбекистон миллий
энциклопедияси” давлат илмий нашр., 2002.-462 б.

Футбол: Маълумотномали календарь: Ўзбекистон
Республикаси VIII Миллий чемпионати.-Т.: 1999.-88 б.

Холиқов Т. Ўзбекистон спорт мамлакати
//Туркистон.-2003.-30 янв.

Шахмат ва тактика: [Ўйин ўрталарида кураш сирлари
хақида] //Ёш куч.-2005.-№1.-Б.22-23.

Шойимов О. Имкониятлар етарли – натижа ҳам
шунга яраша //Ишонч.-2006.-3 февр.

Ўзбекистон Халқ таълим вазирлиги хузуридаги
Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини ташкил
этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасининг 2004 йил 29 авг. Қарори ва шу қарорга 6-
илова //Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари
тўплами.-2004.-№8.-Б.67-77.

Ўзбегимнинг баҳодирлари: Хужжатли қисса
/Муаллиф: Н.Саидов, А.Мўминов, У.Шукуров ва бошқ.-Т.:
Абу Али ибн Сино ном. тиббиёт нашр., 2001.-80 б.

Ўзбек кураши доврўғи /Тузувчилар: Х.Бобобеков,
М.Содиқов, З.Рўзиев.-Т.: Абу Али ибн Сино ном. тиббиёт
нашр., 2002.-88 б.

Ўзбек спорти солномаси //Қишлоқ ҳаёти.-2002.-31
авг.

Ўзбек спортининг овозаси танилди бутун оламга!
//Қишлоқ ҳаёти.-2002.-31 авг.

Ўзбекистон сув парилари ғолиб: [“Сув париси”нинг V анъанавий халқаро турнири якунланиши ҳақида] //Ишонч.-2004.-30 нояб.

Ярашев К. Спорт – баркамоллик омили //Халқ сўзи.-2003-30 дек.

Ўктамов Қ. Шоҳсупанинг олтин зиналари //Қишлоқ ҳаёти.-2002.-19 февр.

Ўринбоев А. 100 катакли тахтада шахмат ўйнаш қоидаси: шахматни ўргана бошлаган, кам малакали шахматчи ва барча қизиқувчилар учун қўлл. -Андижон: Ҳаёт, 1999.-19 б.

Қиличбозлар беллашди: [Пахтакор стадионида ёшлар ўртасида қиличбозлик бўйича Ўзбекистон биринчилиги ўтказилди] //Тошкент оқшоми.-2003.-31 март.

Кувватов Н. Ўзбекистонда туризм: бугун ва эрта //Жамият ва бошқарув.-2000.-№1.-Б.81-82.

Ҳайдаров З. Спорт ҳаётимиз ҳамдамига айлансин //Фидокор.-2003.-20 февр.

Ҳикматов У. Жисмоний етук, маънавий баркамол //Қадрият.-2006.-27 май.

Ҳовузда ракс: [Синхрон сузишнинг истикболлари] //Соғлом авлод.-2003.-10-16 апр.

Босишга рухсат этилди 2006 йил 24 Ноябрь
Бичими 60x84 ¹/₁₆ нашр. т. 2,5 Адади 300 нусха.
Буюртма №

Тошкент, Ҳ.Сулаймонова кўчаси, 33. Алишер Навоий
номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси босмахонасида
чоп этилди